**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**



АДАБИЁТШУНОС ВА ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМ РУСТАМ ҲУСНИДДИНОВИЧ ШАРИПОВ

(биобиблиографик маълумотлар)

Тошкент-2025

УДК: 80 (575.1); 001
КБК: 80/84 (5 Uzb)
Ш - 26

Р.Ҳ.Шарипов. Сарҳисоб. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025. − 50 б.

Мазкур нашрдан таниқли адабиётшунос ва ҳуқуқшунос олим, филология фанлари доктори Рустам Ҳусниддинович Шарипов ҳаёти ва ижоди, самарали илмий, ижодий ва педагогик фаолияти ҳақида маълумотлар, у яратган илмий, ўқув-услубий ишларнинг тўла библиографияси ўрин олган.

Масъул муҳаррир:

Хайрулла Ҳамидов,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Нилуфар Ходжаева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ҳилола ШАРИПОВА
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика
олий мактабининг 2025 йил 5 мартдаги 12-сон мажлиси қарори
билан нашрга тавсия этилган.

© Рустам Ҳусниддинович Шарипов, 2025.
© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025.

ОЛИМ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Таниқли ўзбек олими, филология фанлари доктори Рустам Ҳусниддинович Шарипов 1961 йил 10 февраль куни Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. У шоир ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири Ҳусниддин Шарипов оиласида таваллуд топгани сабабли ёшлигидан китоб ўқишга қизиқиши кучли бўлди. Шунинг учун бўлса керак, унинг дунёқараши шаклланишида ўзбек мумтоз адабиёти билан бир қаторда жаҳон адабиёти намуналари кучли таъсир кўрсатди, кейинги илмий-тадқиқот фаолиятига туртки бўлди.

Маърифат истаги Рустам Шариповни 1978 йилда Тошкент давлат университетининг филология факультетига бошлаб келди. Бу ерда у Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Айюб Ғуломов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Шавкат Раҳматуллаев, Умарали Норматов, Абдуғофир Расулов, Ёқуб Ғуломов, Миразиз Миртожиев, Ёрмат Тожиев, Омонулла Мадаев каби ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги дарғаларининг сермазмун маърузаларини тинглаб, уларга ўхшаш истаги туғилди. 1983 йилда филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, 1992 йилга қадар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, институт илмий котиби сифатида фаолият олиб борди.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаси сифатида 1990 йилда профессор Озод Шарафиддинов илмий раҳбарлиги остида тайёрланган “Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида услублар хилма-хиллиги” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу йилнинг ўзида Гарвард Университети ҳузуридаги Ўрта Осиё тадқиқотлари марказининг таклифига биноан АҚШга бориб, ўзбек маданияти тарихи бўйича маърузалар ўқиб қайтди.

1992-1998 йиллар мобайнида Рустам Шарипов устозлари йўлидан бориб, Тошкент давлат университетида “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири сифатида фаолият олиб

борди. Шу билан бирга, 1995-1997 йилларда (асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Туркия Жумҳуриятидаги вакили бўлиб ишлади. Асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, Туркиянинг энг эътиборли дорилфунунларидан бўлган Эгей университетининг Адабиёт факультетида ўзбек адабиётидан маърузалар ўқиди.

1998 йилда Рустам Шариповга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан “Доцент” илмий унвони берилди.

1998-2013 йилларда унинг меҳнат фаолияти Тошкент давлат юридик институти билан боғлиқ бўлди. У дастлаб Ўқув жараёни сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи, кейинчалик Ўқув бўлим бошлиғи, “Ўзбек тили” кафедраси мудири, Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, проректор вазифаларида ишлади. Рустам Шарипов олиб борган тадқиқотлари “Ўзбек адабиёти” ва ҳуқуқшуносликнинг “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи” йўналишлари билан уйғунлашиб кетганлиги сабабли, 2006 йилда Тошкент давлат юридик институтининг сиртқи бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлади.

2001-2004 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 ноябрдаги Фармойишига биноан ташкил этилган Давлат-ҳуқуқ, суд тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгашнинг масъул котиби сифатида фаолият олиб борди.

2006 йил август ойида Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда иштирок этган Тошкент давлат юридик институти делегациясига раҳбарлик қилди.

2013-2020 йилларда Рустам Шарипов “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимида бир қатор масъул вазифаларда, жумладан, Лицензиялаш, аудиовизуал маҳсулотларни эксперт баҳолаш ва халқаро алоқаларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси раҳбари лавозимларида ишлади. Ўша йиллар Ўзбекистон Республикасининг “Кинематография тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг эксперти, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги экспертлар кенгашлари аъзоси сифатида фаолият олиб борди.

Рустам Шарипов академик Наим Каримов раҳбарлиги остида тайёрланган “Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш ғояларининг акс этиши” мавзусидаги докторлик диссертациясини Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилган.

Бугунги кунда Рустам Шарипов Тошкент давлат шарқшунослик университети Таржимашунослик, тилунослик ва халқаро журналистика олий мактаби доценти, шунингдек Жадидшунослик илмий-тадқиқот маркази директори сифатида фаолият олиб бормоқда.

Рустам Шарипов қайси соҳада меҳнат қилмасин, фаолияти давомида бир дақиқага бўлсин илмий тадқиқотлар олиб боришдан ажралиб қолмади. Унинг “Замон. Шеърият. Услуб” (1992), “Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан” (2002), “Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш” (2005), “Миллий озодлик ғоялари шарқ маърифатпарварлари талқинида” (ҳаммуаллифликда, 2022), “Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақил-

лик учун кураш ғояларининг акс этиши” (2023), “Эътиқод ва ижод” (2024) деб номланган монографиялари, “Ўзбек адабиёти” (2025) ва “Ўзбек тили” (2025) дарсликлари, “Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи” (2004), “Ўзбек тили ва адабиёти” (ҳаммуаллифликда, 2006), “Бадиий таржима” (2022), “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси” (ҳаммуаллифликда, 2023) каби ўқув қўлланмалари, йигирмага яқин илмий рисолалари, ўндан ортиқ юридик терминларнинг икки ва уч тиллик луғатлари ҳамда бир қатор таржима асарлари эълон қилинган. Шунингдек, олим томонидан эълон қилинган икки юзга яқин илмий ва оммабоп мақолаларидан бир қисми Туркия, Россия ва Қозоғистонда нашр этиладиган нуфузли илмий журналлар саҳифаларида чоп этилган.

Рустам Шариповнинг Ўзбекистоннинг энг кўзга кўринган газеталари саҳифаларида турли йилларда нашр эттирган мақолалари унинг публицистика соҳасида алоҳида истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беради.

Қуйида Рустам Шариповнинг фаолиятига оид библиографик маълумотлар келтирилган бўлиб, улар ўзбек адабиёти, ҳуқуқшунослиги, жумладан, жадидчилик ҳодисасига доир илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ РУСТАМ ҲУСНИДДИНОВИЧ ШАРИПОВ ИЛМИЙ НАШРЛАРИ БИБЛИОГРАФИЯСИ

МОНОГРАФИЯЛАР:

1. Замон. Шеърият. Услуб. – Тошкент: "Фан", 1992 . - 5 б.т.

2. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: "Ўқитувчи", 2002. - 10 б.т.

3. Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 12 б.т.

4. Миллий озодлик ғоялари шарқ маърифатпарварлари талқинида. – Тошкент: ТДШУ, 2022. - 7,5 б.т. (Н.Ходжаева билан ҳаммуаллифликда).

5. Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш ғояларининг акс этиши. – Тошкент: Zamon Poligraf, 2023. - 14 б.т.

6. Эътиқод ва ижод (Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига доир айрим мулоҳазалар). – Тошкент: ТДШУ, 2024. – 7,5 б.т.

ДАРСЛИКЛАР:

1. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: ТДШУ, 2025. – 17 б.т.
2. Ўзбек тили. – Чимкент, 2025. – 16 б.т.

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР:

1. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 18,5 б.т. (Ф.Муҳиддинова билан ҳаммуаллифликда).

2. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 34 б.т. (Ҳ.Юсуфий билан ҳаммуаллифликда).

3. Badiiy tarjima (“Tarjima nazariyasi va amaliyoti” yo’nalishi talabalari uchun). – Тошкент: TDSHU, 2022. - 7 b.t.

3.4. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси (У.Аминов билан ҳаммуаллифликда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг “5Ф249123 – Коррупцияга қарши курашиш” магистратура йўналиши бўйича ўқув қўлланма). – Тошкент: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, 2023. – 8,5 б.т.

5. Badiiy tarjima (elektron o’quv qo’llanma). – Тошкент: TDSHU, 2024. – 7,5 b.t.

6. Онадўли ва Туркистон: мозийга бир назар (Туркистон ва Туркия алоқалари тарихига оид материаллар). – Тошкент: ТДШУ, 2025. - 6 b.t.

ИЛМИЙ РИСОЛАЛАР:

1. Туркия манзаралари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. - 3 б.т.

2. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. – Тошкент: Фан, 1998. - 1,5 б.т.

3. Жадидчилик ҳаракати сарчашмалари. – Тошкент: Республика ҳуқуқий тарғибот маркази, 1999. - 1,5 б.т.

4. Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. – Тошкент: Адолат, 2000. - 2 б.т.

5. Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. - 2 б.т.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва оила. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. - 1 б.т.

7. Тафаккур маҳсуллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 9,8 б.т.

8. Эътиқод ва ижод. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 1,5 б.т.

9. Ижтимоий янгиланишдан адабий янгиланиш сари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 3,5 б.т.

10. Жадидчилик: сиёсий, ҳуқуқий ва бадиий қарашлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. 3,5 б.т.

11.Jadidchilik: siyosiy, huquqiy va badiiy qarashlar uyg‘unligi. Toshkent: TDYuI, 2006. - 3,5 b.t.

12.Конституция – маънавий-маърифий юксалиш омили. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. - 2,5 б.т.

13.Оила – давлат таянчи, бахт ва саодат бешиги. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. - 2,1 б.т.

14.Jadid adabiyotida ijtimoiy-siyosiy voqelikning aks etishi. – Toshkent: TDShU, 2021. - 3 b.t.

15.Turkiston sahifasi (turk subayining Turkiston xotiralari. 1914-1923 yillar). Turk tilidan tarjima. – Toshkent: TDShU, 2021. - 2 b.t.

16. Behbudiy dahosi. Toshkent: TDShU, 2025. – 5,5 b.t.

ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-инглизча-луғати. –Тошкент: ТДЮИ, 2002. - 8,5 б.т. (М.Рустамбаев ва Т.Сатторов билан ҳаммуаллифликда).

2.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-инглизча луғати. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. - 4,8 б.т. (М.Рустамбаев ва Т.Сатторов билан ҳаммуаллифликда).

3.Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-немисча луғати. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 7,2 б.т. (М.Рустамбаев ва Х.Абдураҳмонова билан ҳаммуаллифликда).

4.Ўзбек тили юридик терминларининг кирилл ва лотин ёзувидаги муқобиллари луғати. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. - 13,1 б.т. (Ҳ.Шарипова билан ҳаммуаллифликда).

5.Юридик терминларнинг ўзбекча-русча луғати. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. 13,8 б.т. (Ҳ.Шарипова билан ҳаммуаллифликда).

6.Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-французча луғати. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 8,5 б.т. (М.Рустамбаев, Р.Муҳаммадиева билан ҳаммуаллифликда)

7.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-французча луғати. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 5 б.т. (М.Рустамбаев ва Р.Муҳаммадиева билан ҳаммуаллифликда).

8.Русско-узбекский словарь юридических терминов. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. - 18 п.л. (в соавторстве с М.Рустамбаевым).

9.Юридик терминларнинг ўзбекча-русча-французча луғати. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 16,6 б.т. (М.Рустамбаев ва Р.Муҳаммадиева билан ҳаммуаллифликда).

10.Yuridik terminlarning o’zbekcha-ruscha lugati. Юридик терминларнинг ўзбекча-русча луғати. – Тошкент: ТДШУ, 2021. - 22,75 б.т. (Х.Ҳамидов билан ҳаммуаллифликда).

11.Миллий қонунчиликдаги асосий ҳуқуқий тушунчаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: ТДШУ, 2021. – 10 б.т. (Ҳ.Шарипова билан ҳаммуаллифликда).

12.Юридик терминларнинг ўзбекча-туркча луғати. – Тошкент: ТДШУ, 2022. – 10 б.т. (М.Ёқубжонова ва Ҳ.Шарипова билан ҳаммуаллифликда).

13. Юридик терминларнинг ўзбекча-русча луғати. – Тошкент: Legalbox team, 2025. – 6,5 б.т. (Ҳ.Шарипова билан ҳаммуаллифликда).

14. Yuridik terminlarning o‘zbekcha-xitoycha lug‘ati. – Toshkent: TDShU, 2025. – 11,5 b.t. (I.Safarova bilan hammual-liflikda).

БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАР:

1. Михаил Лакербай. Меҳмон. – Тошкент: Истиқлол нури, 2014. - 6,25 б.т.
2. Abxaz hikoyalari. – Toshkent: TDShU, 2022. - 7,5 b.t.
3. Turkiston sahifasi (turk subayining Turkiston xotiralari. 1914-1923 yillar). Turk tilidan tarjima. – Toshkent: TDShU, 2021. - 2 b.t.
4. Юрагимга яқин гўшалар - Туркистонда турк субайлари (кириш мақоласи ва турк субайи Рожи Чақирўз Туркистон хотираларининг туркчадан таржимаси). “Жаҳон адабиёти" журнали, 1997 йил 5-сон, - 196-205- бетлар.
5. Михаил Лакербай. Ҳикоялар. “Жаҳон адабиёти” журнали, 1999 йил 2-сон.
6. Меҳмон (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг русчадан таржимаси). “Китоб дунёси” газетаси, 2013 йил 27 февраль.
7. Арғун Сайдиқ (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг русчадан таржимаси). “Китоб дунёси” газетаси, 2013 йил 13 март.
8. Жигаргўшалар (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг русчадан таржимаси). “Китоб дунёси” газетаси, 2013 йил 8 май.

9. Гаров (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг русчадан таржимаси). “Китоб дунёси” газетаси, 2013 йил 12 июнь.

10. Меҳмон. Ажика (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикояларининг таржимаси). “Hayot” газетаси, 2013 йил 31 октябрь.

11. Жигаргўшалар (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг таржимаси). “Oila davrasida” газетаси, 2014 йил 11 сентябрь.

12. Икки эшик (Абхаз ёзувчиси Михаил Лакербай ҳикоясининг таржимаси). “Китоб дунёси” газетаси, 2023 йил 13 декабрь.

ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАЛАР:

1. Излайман ўзимни. “Шарқ юлдузи”, 1983 йил 6-сон.

2. Ўзбек шоири Ҳусниддин Шарипов. "Kardeş Edebiyatlar" (Туркия). 1996 йил 37-сон.

3. Эркин Воҳидов бадиияти. "Kardeş Edebiyatlar" (Туркия). 1996 йил, 35-сон.

4. Зульфия ва Шавкат Раҳмонни ёд этиб. "Kardeş Edebiyatlar" (Туркия). 1997 йил 38-сон.

5. Шоир қиёфасига чизгилар. "Kardeş Edebiyatlar" (Туркия). 1997 йил 39-сон.

6. Улуғлар мактаби (Ш.Ризаевнинг "Жадид драмаси" китоби ҳақида). “Жаҳон адабиёти”, 1998 йил 2-сон. - 177-181-б.

7. Михаил Лакербай. Ҳикоялар (кириш сўзи ва таржима). “Жаҳон адабиёти”, 1999 йил 2-сон.

8. XX аср бошларида Туркистонда мухториятчилик. “Давлат ва ҳуқуқ”, 2000 йил 1-сон, 49-51 бетлар.

9. Туркистонда маърифатпарварлар ҳаракати ва Исмоил-бек Гаспирали. “Давлат ва ҳуқуқ”, 2000 йил 2-сон, 51-54 бетлар.

10. Миллий озодлик учун кураш ва Заки Валдий Тўғон. “Хўжалик ва ҳуқуқ”, 2000 йил 3-сон, 35-37 бетлар.

11. Туркистонда мустамлакачиликка қарши кураш ҳаракатининг вужудга келишига таъсир кўрсатган сиёсий-ҳуқуқий омиллар. “Давлат ва ҳуқуқ”, 2000 йил 4-сон, 54-56 б.

12. XX аср бошларида Туркистон халқларининг сиёсий кураши тарихидан. “Ҳаёт ва қонун”, 2000 йил 7-сон, 16-22 б.

13. Ватанга бахшида умр (У.Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида). “Ҳаёт ва қонун”, 2001 йил 2/3-сон, 43-44 бетлар.

14. Ким ҳақ: мударрисми ёки фаранги (Фитратнинг "Мунозара" асари асосида). “Давлат ва ҳуқуқ”, 2001 йил 4-сон, 72-76 бетлар.

15. Жадидчилик ҳаракатининг маънавий-маърифий илдизлари. “Ҳаёт ва қонун”, 2001 йил 6-сон, 35-36 бетлар.

16. Маърифат фидойилари. “Қонун ҳимоясида”, 2001 йил 7-сон, 7-8 бетлар.

17. Абдурауф Фитратнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, 2002 йил 1/2-сон, 54-58 бетлар.

18. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари. “Қонун ҳимоясида”, 2002 йил 3-сон, 34-36 бетлар.

20.Ҳинд сайёҳининг маърифат бобидаги ўйлари. “Тил ва адабиёт таълими", 2002 йил 3-сон, 43-49 бетлар.

21. Мозий сабоқлари. “Давлат ва ҳуқуқ”, 2002 йил 3-сон, 74-78 бетлар.

22. Фитратнинг "Мунозара" асарида маърифатпарварлик ғоялари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2002 йил 4-сон, 19-23 бетлар.

23. Ҳуқуқ замиридаги бурч. "Китоб дунёси", газета, 2002 йил ноябрь сони.

24. Ўзбек маърифатпарварларининг фалсафий қарашлари. “Давлат ва ҳуқуқ", 2003 йил 1-сон, 84-87 бетлар.

25. Ўзбек маърифатпарварларининг фалсафий қарашлари (давоми). “Давлат ва ҳуқуқ", 2003 йил 2-сон, 76-79 бетлар.

26. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг давлатчиликни шакллантиришга доир фикрлари. "Давлат ва ҳуқуқ", 2003 йил 4-сон, 69-71 бетлар.

27. Фитратнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. "Қонун ҳимоясида", 2004 йил, 4-сон, 32-34 бетлар.

28. Ўзбекнинг ўзлиги. "Давлат ва ҳуқуқ", 2004 йил 2-сон, 72-75 бетлар.

29. Тараққий мактабдан (жадидлар ва мактаб масалалари). "Соғлом авлод учун", 2004 йил 5-сон, 28-30 б.

30. Соғлом жисму тан, ақл ва аҳлоқ ила... (Фитратнинг "Оила" асари ҳақида). "Соғлом авлод учун", 2004 йил 9-сон, 30-32 бетлар.

31. Ўзликни англаш. "Бухоро университети илмий ахборотлари", 2004 йил 3-сон, 55-60 бетлар.

32. Миллий юксалиш йўлида. "Илм сарчашмалари", 2004 йил 30 сон, 42-47 бетлар.

33. Маърифатпарварликдан – маърифатчиликка. "Ўзбекистон матбуоти", 2004 йил 6-сон, 36-37 бетлар.

34. Мозийга бир назар. "Шарқшунослик", 2004 йил 2-сон, 35-42 бетлар.

35. Сўз эркинлиги минбари. "Қонун ҳимоясида", 2004 йил 6-сон, 15-бет.

36. Жадид адабиётининг илмий тадқиқи. "Эмударя", 2005 йил 1-сон, 24-26 бетлар.

37. Маърифат ва жадидчилик ҳаракати. "Фуқаролик жамияти", 2005 йил 1-сон, 33-35 бетлар.

38. Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикаси. "Ўзбек тили ва адабиёти", 2005 йил 1-сон, 62-66 бетлар.

39. Ўқувчиларни маърифатпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш усуллари. "Тил ва адабиёт таълими", 2005 йил 2-сон, 20-25 бетлар.

40. Фитратнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига доир айрим мулоҳазалар. “Ҳуқуқ. Право. Low”, 2005 йил, 3-сон, 84-86 бетлар.

41. Тафаккур уммонидаги дурлар. Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлими Ахборотномаси, 2005 йил 5-сон, 139-142 бетлар.

42. XX аср бошларида бадиий изланишлар. “Давлат ва ҳуқуқ”, 2005 йил 4-сон, 78-80 бетлар.

43. Эътиқод ва ижод. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2006 йил 2-сон, 116-118 бетлар.

44. XX аср бошлари ўзбек адабиётида инсон ҳуқуқлари масалалари. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2006 йил 3-сон, 125-128 бетлар.

45. Орзулар ушалган кун. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2006 йил 4-сон, 47-48 бетлар.

46. Юридик таълим ва ҳуқуқшунослик истиқболлари. “Ҳуқуқ ва бурч”, 2007 йил 1-2 - сонлар, 66-68 бетлар.

47. Инсон манфаати - олий қадрият. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2007 йил 4-сон, 91-93 б.

48. Культурные и политико-правовые взгляды джадидов Туркестана. «Правовое государство: теория и практика» (Российская Федерация), №1 2009 г., 20-25 стр.

49. Ислоҳотларнинг тарихий босқичи. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2011 йил 1-сон, 14-15 б.

50. Культурно-просветительская деятельность джадидов Туркестана. “Наука и жизнь Казахстана”, №2 2011 г., 270-274 стр.

51. Юридик таълим ва ҳуқуқшунослик фани истиқболлари. “Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси”, 2011 йил 3-сон, 30-33 бетлар.

52. Жадид адабиётида янгиланиш ғоялари. “Шарқ машъали”. 2011 йил 1-сон, 7-12 бетлар.

53. Жадид адабиётида ислоҳот ғоялари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2011 йил 3-сон, 40-45 бетлар.

54. Развитие национальной кинематографии (о проекте Закона Республики Узбекистан «О кинематографии»). “Адвокат”, 2016 йил 3-сон, 42-44 бетлар.

55. Кино санъатининг ўтмиши ва бугуни. “Гулистон”, 2017 йил 6-сон, 8-9 бетлар.

56. Миллий кинематография ривожланиш босқичида. “Кино санъати”, 2018 йил 1-сон, 26-29 бетлар.

57. Ибрат мактаби. “Отам ҳақида” (хотиралар китоби). – Т., Таълим-Медиа, 2019, 75-80 бетлар.

58. Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари ҳақида айрим мулоҳазалар. “Шарқ машъали”, 2020 йил 2-сон. 19-27 - бетлар.

59. Қомусий шарқшунос олим Заки Валидий Тўғон. “Sharqdan xabarlar” канали (Тошкент Давлат шарқшунослик университетининг расмий электрон нашри), 2020 йил 29 май, https://telegra.ph

60. Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари ҳақида айрим мулоҳазалар. “Шарқ машъали”, 2020 йил 2-сон, 19-27 бетлар.

61. The ideological basis of the Jadidist movement. Asian Journal of Multidimensional Research. Impact Factor: SJIF 2021 = 7.699. Vol 10, Issie 1, January, 2021. Page №265-270. Co-authored with Sh. Hasanova.

62. The publicist skills of Behbudiy. DOI NUMBER: 10.5958/ 2249-7137.2021.00525.5/ ACADEMIA. An International Multidisciplinary Research Journal. Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492. Vol 11, Issie 2, February, 2021. Page №1445-1450. Co-authored with D.Abdurahimova.

63. Жадид адиблари оилавий қадриятлар ҳақида. “Тил ва адабиёт таълими” журнали. 2021 йил 3-сон. 20-22-бетлар.

64. “Ҳинд сайёҳи баёноти” ҳақида айрим мулоҳазалар (Н.Ходжаева билан ҳаммуаллифликда). “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2021 йил 2-сон. 49-55 –бетлар.

65. Идейные основы движения джадидов (Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий асослари). “Образование и наука в XXI веке” (Международный научно-образовательный журнал ISSN 2658-7998; № A3-20211124-10 от 24.11.2021 г.)

66. Жадидчилик адабиёти тадқиқига бир назар. XXI аср: фан ва таълим масалалари. №3, 2021.

67. Фитратнинг “Мунозара” асарида таълим ва тарбия масалалари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. - 2021 йил 6-сон. – 56-60-бетлар.

68. Специфика методики подготовки синхрон¬ных переводчиков (М.Мухторова билан ҳаммуаллифликда). “Шарқ машъали” журнали. 2021 йил, 4-сон. - 99-108 бетлар.

69. Ритмик синонимия ҳодисасини қиёсий- типологик жиҳатдан ўрганилганлиги ва синоним сўзларни синхрон ҳамда кетма-кет таржима жараёнида қўллаш усуллари

(Д.Ҳикматов билан ҳаммуаллифликда). “Шарқ машъали” журнали. 2021 йил, 4-сон. - 94-99 бетлар.

70. Синхрон ва кетма-кет таржимада сиёсий-дипломатик терминларнинг берилиши (О.Жумабоев билан ҳаммуаллифликда). “Шарқ машъали” журнали. 2021 йил, 4-сон. – 108-111- бетлар.

71. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати. International Scientific and Practical Conference: “Problems and Scientific solutions”. 2022 Australia, Melbourne, 26.11.2022. Ссылка: https://academicsresearch.com/index.php/ icpass/article/ view/1102 (https://doi.org/ 10.5281/zenodo.7391-363.

72. Skils of Using Word in the Art of Literary Translation. (Н.Шарипова билан ҳаммуаллифликда). Indo – Uzbek. Strengthening Relationship. (Топ 1000 таликка кирган университет). Special issue on New Delhi and Agra, India. 2023. - P. 228-235.

73. Literary translations and impotanse of using phrases. Universitas Islam Indonesia (Топ 1000 таликка кирган университет). A Scientific Journal. Yogyakarta, Indonesia, № 2, 2023. - P. 68-70.

74. Янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш ғояларининг умумтуркий илдизлари. – Хива, Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси, 2023-9/4, 217-221 бетлар.

75. Revolutionary movement in Turkestan. International Journal of Advance Scientific Research (ISSN – 2750-1396). VOLUME 04 ISSUE 10 Pages: 38-45. Oktober 22, 2024. Link: https://sciencebring.com/index.php/ijasr/article/view/807.

76. Political and Legal Views of the Jadids of Turkestan. SPAST Abstracts (SCOPUS), № 2, 2023. Pages: 95-108.

77. Revolutionary movement in Turkestan. International Journal of Advance Scientific Research (ISSN – 2750-1396).

VOLUME 04 ISSUE 10 Pages: 38-45. Oktober 22, 2024. Link: https://sciencebring.com/index.php/ijasr/article/view/807.

78. Жадид адабиётида инсон ҳуқуқлари масалаларининг ёритилиши. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборотномаси. 2024 йил, 4 (67)-сон, 220-223 бетлар.

ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАРДА НАШР ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР:

1. Внутреннее содержание термина “стиль”. – Москва: ИНИОН депонент нашри, 1988.

2. Ҳозирги замон ёшлар лирикасида услублар хилма-хиллиги. “Ўзбек адабиёти масалалари” илмий тўплами, – Тошкент: ТошДУ, 1986.

3. Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишга доир айрим методик мулоҳазалар. “Ўзбек ва хорижий тилларни ўқитиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Университет, 1992 йил.

4. Ўзбек адабиёти фанини ўқитишда тест-рейтинг тизимидан фойдаланиш. “Ўзбек адабиёти фанини ўқитишдаги дол.зарб муаммолар" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: Университет, 1997.

5. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига доир айрим мулоҳазалар. Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2002 йил 2-сон, 271-285 бетлар.

6. Абдурауф Фитратнинг маърифат сабоқлари. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами, –Тошкент: ТДЮИ, 2003 йил 3-сон, 97-104 бетлар.

7. Ижтимоий ва маърифий юксалиш йўлида. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2003 йил 4-сон, 97-113 бетлар.

8. Беҳбудийнинг сиёсий публицистикасига доир айрим мулоҳазалар "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2003 йил 5-сон, 81-89 бетлар.

9. Конституция ва оиланинг ҳуқуқий асослари: тарихга бир назар. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш асоси" мавзусидаги конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2003, 65-79 бетлар.

10. Жадидлар ва таълим тизими ислоҳоти. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил 6-сон, 40-45 бетлар.

11. Абдурауф Фитратнинг "Бухорода ислоҳот лойиҳаси". "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил 6-сон, 156-161 бетлар.

12. Турк адами марказият партияси маромномаси ва янги давлатнинг ҳуқуқий асослари. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил 7-сон, 153-164 бетлар.

13. Жадид маърифатпарварларининг давлат қурилиши ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил 7-сон, 167-176 бетлар.

14. Сиёсий партиялар: сайлов ва сайланиш масъулияти "Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари" мавзусидаги конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. Б.102-105.

15. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолати – демократиянинг муҳим шарти. "Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил.

16. Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг моҳияти ва аҳамияти. "Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил, 8-14 бетлар.

17. Конституция – ҳуқуқларимиз ҳимоячиси. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик давлат пойдевори" мавзусидаги илмий-амалий конференция мАтериаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004 йил, 25-28 бетлар.

18. Жадид адабиётининг илмий тадқиқи. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2005 йил 8-сон, 147-153 бетлар.

19. Эътиқод ва ижод. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. 9-сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2005, 177-182 бетлар.

20. Жадид адабиётида оила талқини. ТДЮИ илмий мақолалари тўплами. – Тошкент: 2005, 1-сон, 235-241 бетлар.

21. Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг аҳамияти. "Истиқлол ва тил" мавзусидаги илмий-амалий конференция материалллари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2005, 3-7 бетлар.

22. Жадид матбуоти тарихига бир назар. ТДЮИ илмий мақолалари тўплами. – Тошкент: 2005 йил 2-сон, 133-135 бетлар.

23. Ўзбек тилида сўз ўзлаштиришнинг аҳамияти. "Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005 йил, 13-15 бетлар.

24. Тилнинг луғавий таркиби хусусида. “Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006 йил, 65-67 бетлар.

25. Конституция – ҳуқуқларимиз ҳимоячиси. “Конституционализм ва қонун устуворлиги” ТДЮИ (Ўзбекистон) ва Нагоя университети (Япония) ҳамкорлигида ўтказилган халқаро симпозиум материаллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2006 йил, 201-203 бетлар.

26. Оила ва жамият. “Тил ҳуқуқи – эл ҳуқуқи”. “Давлат тилининг ҳуқуқий мақоми: муаммолар ва ечимлар” мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007 йил, 11-18 бетлар.

27. XX аср бошлари ўзбек адабиётида инсон ҳуқуқлари масалалари. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2009 йил, 17-сон, 8-14 бетлар.

28. Культурно-просветительские связи джадидов Туркестана и России. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. - Тошкент: ТДЮИ, 2009 йил 17-сон, 113-119 бетлар.

29. Маънавиятимиз сарчашмалари. “Тил воситалари ёрдамида касбий маҳоратни шакллантириш – комиллик сифатларини ривожлантирувчи омил” Республика семинар

кенгаш материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2010 йил, 3-8 бетлар.

30. Асрлар нидоси. "Олий ўқув юртларида тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари" илмий тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010 йил 21-сон, 8-16 б.

31. Фуқролик жамиятини қуриш йўлида. “Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалалари” Республика илмий-назарий конференция материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2011 йил, 50-55 бетлар.

32. Жамиятда ижтимоий-сиёсий мувозанат кафолати. “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида маданиятлараро алоқа муаммолари ва уларни амалга ошириш масалалари” Республика семинар кенгаш материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2011 йил, 19-23 бетлар.

33. Оила – жамият пойдевори. Сб. материалов Республиканского семинара “Проблема создания современного учебно-методического комплекса в системе обучения языкам и литературе”. – Ташкент: ТГЮИ, 2012 год, 36-41 стр.

34. Абдурауф Фитратнинг оила маданияти ҳақидаги қарашлари. “Ўзбекистон Республикаси конституциявий ривожланиш аспектида таълим тизимини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик ва лингвистик муаммолари” тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2012 йил, 15-23 бетлар.

35. Маърифат қуёши. “Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида касбий нутқ омилкорлик муаммоларини шакллантириш ва амалга ошириш” мавзусидаги Республика семинари материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2013 йил, 165-170 бетлар.

36. Она тили – миллат маънавиятининг кўзгуси. “Давр педагогининг муаммоларни бартараф этиш фаоллигини ва касбий маҳоратини ошириш борасидаги инновацион ғоялар”

мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

37. Тил – жамият таянчи. “Олий таълим муассасаларида ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқитилишини янада такомиллаштиришнинг инновацион усуллари ва долзарб муаммолари” мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.

38. Бу дунёга сиғмаган “дунё”. “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Андижон: АДУ, 2020 йил, 305-312 бетлар.

39. Ибрат мактаби. “Ўзбекистон таржмонлари Форуми - 2020” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТДШУ, 2020 йил, 26-30 бетлар.

40. Жадидлар таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида. “Замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва унга қаратилган креатив ғоялар, таклифлар ва ечимлар” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий материаллари тўплами, Тошкент, 2021 йил. - 171-174 бетлар.

41. Таржимон маҳоратига доир айрим мулоҳазалар. “Хорижий филология, адабиётшунослик ва таржимашунослик масалалари - 2021” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Жиззах, 2021 йил. - 49-52 бетлар.

42. Алишер Навоий ижодида она тили такомили. “Навоий замон ва халқларни бирлаштирган буюк даҳо” мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий форум материаллари тўплами. Қозоғистон Республикаси, 2021 йил. - 82-86 бетлар.

